
Бағдодда юқори ҳосилдорликка эришадган фермерлар муносиб рағбатлантирилмоқда

Бағдод туманида жорий йил ҳосили учун экилиб, зарур агротехник тадбирлар асосида парваришланган 7 минг 600 гектар ғалла майдонларида ўрим-йиғим ишлари жадаллик билан давом этмоқда. Қувонарлиси, ҳалоллик ва тиришқоқликни меҳнатнинг омили деб билган кўплаб фермерларимиз ҳосилдорликни гектарига 90 центнердан оширишга муваффақ бўлдилар.

Ғалла ўрими мавсумини уюшқоқлик, бирдамлик билан бошлаган, ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб олишга астойдил киришган илғорлар, табиий, туман ҳокимлиги томонидан муносиб тақдирланишяпти.

Туман ҳокими Юсуфжон Хусаинов ўрим қизғин тус олган дала майдонларида бўлиб, миришкорларни эришган ғалаба билан табриклади. Илғор фермер ва ишчиларнинг меҳнатлари эътироф этилиб, уларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Ғалла мавсумининг бориши, ўрим отрядлари учун яратилган шароитлар билан танишган туман раҳбари, дала меҳнаткашлари билан самимий мулоқот қилди. Уларга ҳалол ва баракали меҳнатларида унум тилади.

- Ватанимиз иқтисодий тараққиётига ҳалол меҳнати ва баракали ҳосили билан ҳисса қўшадган фермерларимизга, минг машаққат билан етиштирилган ҳосилни нест-нобутсиз йиғиштириб олишда жонбозлик кўрсатадган отрядлар аъзолари, комбайн операторлари, ташув техникалари ҳайдовчилари, хуллас, ҳамма-ҳаммага халқимиз номидан раҳмат айтаман, - деди туман ҳокими.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-06-22 17:03:14